

# "Адолат" партияси социал-демократия мафкурасига таянади ва Ижтимоий адолат, Эркинлик, Бирдамлик ғояларини илгари суради

Газета 1995 йил  
22 февралдан чиқа бошлаган

2004 йил  
19 декабрь

№37  
480

ГАЗЕТА ХАФТАНИНГ  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ.  
Сотувда  
эркин нархда

Куч — адолатда



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСIIY ВА ҲУҚУҚIIY ГАЗЕТАСИ

## ЭРКИН ВА АДОЛАТЛИ САЙЛОВ ТИЗИМИ

Эркин ва адолатли сайлов тизими ҳар қандай демократик давлатнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Сайлов тизими деганда давлатда вакиллик идораларини шакллантириш юзасидан мавжуд бўлган ва фуқароларни сайловга жалб этиш, сайловларни ташкил қилиш, депутатнинг сайловчилар билан ўзаро муносабатларини белгилайдиган тартиб қонда назарда тутилади.

Бу йил 26 декабрь куни жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва ҳуқуқий ислохотларни ҳал қилиш йўлида яна бир муҳим қадам қўйилди; яъни ушбу санада парламентнинг Қонунчилик палатаси, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Ушбу сайловлар илгариги ўтказилган сайловлардан шуниси билан аҳамиятлик, шу йўл билан ватанимизда биринчи бор дунёнинг бошқа ривожланган давлатларидаги каби икки палатали парламент шакллантирилди.

Қонунчилик палатасига сайлов Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов

комиссиялари ва участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

Сайловлар ҳалқ ҳокимиятичилигининг амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади. Сайлов орқали парламентлар, давлат бошликлари, суд ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари айрим ҳолларда эса бошқа ҳокимият идоралари ҳам ташкил этилиши мумкин. Давлат ҳокимияти асосий идораларининг сайлов асосида шакллантирилиши демократик жамиятнинг муҳим шартидир. Доимий тартибда эркин ва тўғри демократик сайловларнинг ўтказилиб борилиши муайян мамлакатдаги мавжуд сиёсий аҳволнинг ўзига хос кўрсаткичларидан бири бўлиб, у ҳокимиятнинг қонуний фаолиятини белгиловчи мезон бўлиб ҳисобланади.

Бўлажак сайловларнинг муҳим аҳамияти шундаки, давлатчилик тарихимизда илк марта профессионал Парламент ташкил этилади.

Ўтказилаётган сайловлар фуқаролар учун сиёсий ҳаётда иштирок этишга кенг имконият яратди. Бу эса

парламентнинг қандай бўлиши ва қай тарзда фаолият юритиши ҳар биримизга боғлиқ эканини аниқлатади.

Мамлакатимиз сайлов тизимига мутлақо янги поғонали сайлов тамойилини жорий этди. Аниқроқ айтганда, энди амалиётда тўғри сайлов билан бирга поғонали сайлов ҳам қўлланилади. Бу усул жаҳон таърибасида ўзини аллақачон оқлаган. Мисол учун айтадиган бўлсак, АҚШда Президент ҳам поғонали сайлов йўли билан сайланади. Бу сайлов усули ҳалқ томонидан маҳаллий вакиллик идораларига сайланган депутатлар орасидан янада муносибларининг Сенатга сайланишига имкон яратди.

Ҳокимият идораларини ташкил этишнинг демократик усули бўлган сайловлар орқали ҳалқнинг ўзи ёки вакиллари белгиланган сайлов тартиби асосида керакли номзодларни таллаб олиш йўли билан лавозимда бўлиши каби масалаларни ҳал этиш имконига эга.

Мамлакатимизда ижтимоий тараққиёт янги босқичга кўтарилди. Эндикликда фуқаролар ва давлат

ўртасида ҳақиқий очиқ мулоқот тобора кундалик одат тусига кириб бормоқда. Бўлажак сайловлардан кейин иш бошлайдиган Сенат, Қонунчилик палатаси бу жараёни яна ҳам чуқурлаштиришга ҳизмат қилади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда янги-янги сиёсий қўнлар ҳамда оммавий ҳаракатлар майдонга чиқмоқда. Бу эса ўз навбатида ижтимоий ҳаётни фаоллаштириб, ислохотларни чуқурлаштиришнинг кенг имкониятларини очиб бермоқда. Бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бешта сиёсий партия ўз салоҳиятлари ҳамда имкониятларини ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этиш учун ҳизмат қилдиришга қаратмоқдалар.

Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳақидаги ҳамда сиёсий партияларнинг фаолиятини молиялаштириш ҳақидаги қонунлари ва шу қонунларга мос равишда бошқа қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди. Улар сиёсий партиялар ва ижтимоий тараққиёт янги босқичга кўтарилди. Эндикликда фуқаролар ва давлат

ниқса, шу йилнинг 26 декабрида бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнида эркин номзод бўлиб, янги палатани Парламентни сайлашда қонунчилик, коллежалар, ошкоралик, мустақиллик, адолатчилик тамойилларига амал қилиниб, жамиятнинг барча қўнлари учун кенг ва тенг имкониятлар очиб берилмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек бўлгуси парламент сайлови илгариги сайловлардан фарқ қилиб, бу аввалом бор, сайловга доир қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар ҳамда қўшимчалар билан боғлиқ. Ўз фаолиятини доимий асосда олиб борадиган Қонунчилик палатасининг шакллантирилиши муносабати билан Олий Махлисининг қонунчилик палатасига сайлов 120 та сайлов округи бўйича ўтказилади. Сайлов округларининг тизилишида туманларнинг ҳудудий чегаралари роль ўйнамайди, яъни сайловчилар сони ҳам бўлган бир нечта туман ҳудудида битта округ ёки битта туман аҳолиси икки сайлов округига бириктирилиши ҳам мумкин.

Бугунги кунда депутатликка номзодларга қўйилган талаблар ҳам ўзгарди. Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунига 25 ёшга тўлган, камида 5 йил Ўзбекистон ҳудудида муҳим яшаётган фуқаролар эгадирлар. Илгари судланган фуқаролар депутатликка номзод этиб қўйилганда олинмас эди, эндиликда бу қоида фақат содир этилган жинояти учун судланганлик мuddати тўғалланмаган ёки судланганлиги қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмаган фуқароларга тааллуқлидир. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар депутатликка сайланиш мумкин эмас ва сайловда қатнашиш ҳуқуқига ҳам эга эмаслар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг қонунларда белгиланган фуқаролар ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

(Давоми 2-бетда)

### ОНА ВАТАН КАБИ МУҚАДДАС

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида Республика "Маънавият ва маърифат" маркази томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кунга бағишланган "Байроғимиз — фахримиз" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ҳар бир мустақил давлат ўз герби, байроғи, мадҳиясига эга бўлиши лозим. Булар давлат рамзлари ҳисобланиб, озод ва обод мамлакатимиз тарихини, миллият руҳини, анъана ва илмий-маънавий мазмунини ўзида жў элиб яхлитликда Ўзбекистон тинчлик уми дунёга танитади. Бундай саналарни нишонлаш юртдошларимиз қалбига Ватанга муҳаббат туйғуларини жўш урдиради, фахр ҳиссини кучайтиради.

Келажаги буюк давлат барпо этиш ғояси мустақиллигимизнинг илк кунаридаёқ қабул қилинган давлатимиз рамзларида ҳам ўз ифодасини топган, — деди Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбарининг ўринбосари Султонмурод Олимов — Байроғимизда халқимизнинг хоҳиш-иродаси, ақл-салोҳияти, гурури, кайфияти акс этган. Давлат рамзлари ҳудуди она Ватан каби азиз ва муқаддас. Уларда халқнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз ифодасини топган. Рамзлар ва тинчликнинг ҳамма вақт ҳам миллий гурур, фидойилик ва ватанпарварликни шакллантиришда энг муҳим воситалар ҳисобланиб келган.

Инобат ЭГАМКУЛОВА

### Партия ахбороти

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Турғун Иргашев "Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси III Қурултойи яқунлари ва вилоят партия ташкилотининг навбатдаги вазифалари тўғрисида" маъруза қилди.

Маърузачи вилоят партия ташкилотининг иккинчи конференциясидан кейин партия ташкилотининг сафлари мустаҳкамланиб, аъзолар сони бугунги кунда 4750 нафарга етганини, шундан 2280 нафари жамиятимизнинг илгор вакиллари бўлиш хотин-қизлар эканлигини ўқитиб ўтди.

Маъруза юзасидан музокараларда сўзга чиққан Бекобод шаҳар партия Кенгаши биринчи котиби Гулзира Шарипова, Пскент туман партия Кенгаши биринчи котиби Абдураим Айтматов, Бўстонлиқ туман партия Кенгаши биринчи котиби Турсунқой Қазақова, Ўрта Чирчиқ туман партия Кенгаши иккинчи котиби Александр Пшеничнов ва бошқалар ўз фаолиятларида танқидий баҳо бериб, партиянинг ишлари доимий равишда кучайтириб бориш зарурлиги ҳақида фикр юритдилар.

Пленумда 2005 йил учун оммавий ахборот воситаларига, айниқса, партиянинг бош наشري "Адолат" газетасига обуна қай даражада бораётганлиги тўғрисидаги масала ҳам қизғин қўриб чиқилиб, туман партия Кенгашларига обунани пухта ташкил этиш вазифаси юклатилди. Пленумда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Махмуд МҲДИНОВ,  
Ўзбекистон "Адолат" СДП

Тошкент вилоят Кенгашининг иккинчи котиби

«Обуна — 2005»

## "АДОЛАТ"

ҲАМРОҲИНГИЗ БОЛСИН!

"Адолат" газетаси йил сайин одамлар қалбидан чуқур жой олмақда. Газета саҳифаларида турмушимизнинг ҳамма соҳалари изчил ёритиб борилаётган. Бу юртимизда адолат тамойилларини қарор топтиришга ҳизмат қилмоқда.

Газета келаси йили ҳам кўпчилик муштарийларнинг севимли нашрига айланади. Унда Сиз азиз газетхонлар ўзингизни қизиқтирган кўплаб масалаларга жавоб олиб, ранг-баранг мавзулардаги бир-бирдан қизиқарли мақолалар, очерк ва фельетонлар, памфлетлар билан танишасиз. Севимли газетангиз порахўрликка, таъмағирликка, мансабпарастларга, ўз вазифасини сунистёғмол қилувчиларга, таъна-билишчиликка ва эл ризқига чанг солган, кибру ҳавою, айш-ишратга берилганларга қарши адолат шамшири билан дадил курашаверади.

Азиз муштарийлар!

"Адолат" газетасига обуна давом этмоқда.


Келгуси йилда ҳам уни қўлдан қўймай ўқий десангиз — "Адолат"га обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 100.

"Адолат" ҳаммаша Сизга ҳамроҳ бўлсин!

Тахририят

### Пратиямиз фаоллари



Бу даргоҳга одамлар доимо наҳот истаб келишад. Шунда бир оғиз ширин сўз, бир меҳрибон қўл ғам-ғуссага ботган, сўнгин чехралардаги ҳадик, гуноҳларни булутдек тарқатиб юборади. Юракда яшашга иштиёқ туйғуларини жўш урдиради. Ахир инсон руҳияти билан тирик деб бежиз айтишмаган-да. Яхши шир

чи. Атиги 6 ой муқаддам "Адолат" социал-демократик партияси Нарпай туман партия Кенгаши торғина хонаси-ю санокли кишилардан иборат эди. Бугун эса партия ташкилотининг қўли узун, нуфуси баланд.

Болта Даминов туман партия Кенгашининг биринчи котиби этиб сайлангандан сўнг партиявий

фаоллиги ошганлиги, улар ўз ҳуқуқларини чуқурроқ аниқлаб етаетганликлари ана шу тарғиботлар самарасидир.

Асли Самарқанд вилоятининг олис туманларидан ҳисобланган Нарпайда ислохотлар учун сафарбарлик, ишчанлик муҳитига ҳавас қилса арзийди. Шундай сафарбарлик боис туман заршунослари пахта тайёрлаш режасини мамлакатимизда биринчилар қаторида урдадиган эдилар. Энди эса туманнинг ҳар бир маҳалласида сайловлар арасида сиёсий фаоллик муҳити юзага келаятгани янада ибратлидир. Демак нарпайликлар яхши яшашнинг, ўз хонадонларини обод қилишнинг йўллари-ни излашмоқда.

Бунинг учун мамлакатимиз ҳаётидаги воқеаларга теран назар солиш, сиёсий жараёнларнинг оддий кузатувчилари эмас, онгли иштирокчиларига айланиш зарурлигини тушуниб етмоқдалар.

"Адолат" социал-демократик партияси туман Кенгаши ва унинг кўп сонли фаоллари бу борада ҳалқ билан яқин сирдош, ҳамкор бўлишяётгани эса Ватан ва жамият тақдирини учун масъулият ҳиссини кучайтиришга шубҳа йўқ.

Зоҳир ТҲАҚУЛОВ,  
"Адолат" муҳбири

Суратларда: Туман партия Кенгашининг биринчи котиби Болта Даминов сайловчилар билан мулоқот чоғида ва у бошқараётган шифохона ҳаётидан лавҳалар

## АСРАРДА САЙҚАЛ ТОПГАН

Ўзбекистон бадий академияси Замонавий санъат марказида "Туркман тасвирий ва анъанавий санъати" бадий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Туркман амалий санъати намуналари ўтган асрнинг охири чорагида бевосита хусусий тўпмаларни сотиб олиш асосида тўпланган бўлиб, XIX аср ўрталари ва XX асрга оид бўлган буюмлар ташкил этади. Яъни, бу кўржа Туркманистон заминидан Йомут, Човдур, Эрсари, Алили, Текин, Солар каби турли ҳудудларда яшаган халқлар томонидан яратилган гиламдўзлик, анъанавий газлама ва либослар, шунингдек заргарлик асоси бўлмоқдалар.

Кўргазмани Туркманистоннинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Солтан Пирмухамедов к и р и ш сўзи билан очиб, кўргазма ташкилотчиларига ва қатнашчиларига ўз миннатдорчилигини билдирди. Шу билан бирга бундай тадбирларни ўтказиб бориш икки халқ, икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга ҳизмат қилишини таъкидлади ва туркман миллигига мансуб кишиларга юртимизда яратилган қўлай шарт-шароитлар учун Юртбошимизга ўзининг чуқур ташаккурини билдирди.

"Туркман тасвирий ва анъанавий санъати" бадий кўргазмаси 22 ноябрга қадар давом этади. Қизиқувчилар туркман амалий-бозар санъат асарларидан баҳраманд бўлишлари ва керакли маълумотларга эга бўлишлари мумкин.

Акс садо

Сардор МАДАТОВ

## РАИСНИНГ 20 МИЛЛИОН СЎМЛИК ДАЪВОСИ РАД ЭТИЛДИ

Газетамизнинг шу йил 20 феврал сонидан эълон қилинган "Хусусий ҳовлидаги бегона" даъво сарлавхали мақолада Тошкент туманидаги "Ўзбекистон" ширкат ҳужалиги ҳудудида рўй берган ноҳўж хатти-ҳаракатлар юзасида фикр юритилган эди. Хусусан, ҳужалиқнинг тўқилмай деб турган бешта бинадон иборат эски човра фермаси 1996 йилда фуқаро М.Аюповага сотилган-хусусийлаштирилган. Хусусийлаштиришга оид барча ҳужжатлар қонуний расмийлаштирилган.

Кейинроқ, ширкат ҳужалиги бошқаруви раиси янги бўлган, хусусийлаштирилган човра фермасининг бештадан битта бинадон ҳужалик қарорига асосан бошқа бир фуқарога сотилган, бу бинадога тўташ 8 сотих эр ажратилган ва у киши бу эрга дала ҳовли — "дача" қурган.

Сотилган бинадо илгари хусусийлаштириб сотилган бешта бинадоннинг биттаси, "дача" қурилган эр М.Аюповага Ер кадастр бошқармаси чизиб-таъкидлаб берган чизманинг ичиданги ҳудудда жойлашган.

М.Аюпова ушбу "дача"ни бузиш, айбдорларни жаъобгарликка тортиш ҳамда моддий ва маънавий зарар ундириш бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилган. Зангиота туманлараро фуқаролик суди даъвои қисман қаноатлантириш бўйича Ҳал қилув қарорини чиқарган. Прокурор протести-га асосан иш Тошкент вилоят фуқаролик ишлари бўйича судида қўрилиб, даъво тўлиқ рад этилган.

Мақола ушбу фуқаролик ишини қўришда адолат ме-

зонлари бузилгандек, фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди қарорларининг қонунчилиги асослари мўртроқдек эканлиги тўғрисида жур-налистнинг хусусий мулоҳазаларидан иборат эди.

"Ўзбекистон" ширкат ҳужалиги бошқаруви раиси Баҳодир Боймухамедов тахририятни судга берди: шайн-шавкатни ҳимоя қилиш, раддия бериш ва тахририятдан 20 миллион сўм маънавий зарар ундириш бўйича.

Қонун бўйича, шайн-шавкатни ҳимоя қилиш бўйича даъво аризаси даъвога сазовар мақола доирасида — мақола матни асосида муҳокама қилинади. Яъни, матнда даъвогарнинг шайн-шавкатини эрга урадиган ноўрин жумлалар, шахсиятига тоғадиган, ҳақоратладиган но-боп сўзлар ишлатилганими ёки йўқлиги қўриб чиқилади, муҳокама қилинади.

Суд жараёнида даъвогар томон мақолада бундай жумла ва сўзлар борлигини топиб беролмади. Ва суд, умуман мақоладаги факт ва далиллар тўғри-ноўғрилигини текшириш-муҳокама қилиш билан ҳам шугулланиши натижасида, суд жараёни роса уч ой давом этди.

Бу орада, 14 майда Олий суд раисининг ўринбосари Б.Жамоллов бу ишнинг қатор камчилик ва нуқсонларини кўрсатиб, ушбу иш бўйича барча суд қарорларини бе-кор қилиш ишлари биринчи бе-скида қўриш учун юборишни сўраб Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича суд-лов Ҳайъатига протест киритди. Бу эса мақола беҳуда ёки асоссиз эълимлаганини таъкидловчи муҳим ҳуж-

жат дейиш мумкин. Нихоят, даъво аризасини уч ой мобайнида атрофчила, чуқур қўриб чиққан фуқаролик ишлари бўйича Микробод туманлараро суди (судья А.Холмиков) шу йил 5 августда фуқаро Б.Боймухамедовнинг даъво аризасини рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди.

Таъкидлаб лозимки, уч ойда бўлиб ўтган 15 га яқин суд мажлисларининг фақат иккинчисига шахсан қатнашган даъвогар ўз кўргазмасида бир буюмдан но 100 сўм бўлган ҳозирги даврга (уша пайтда 110 сўм эди — тах.) тахририятдан 20 миллион сўм маънавий зарар талаб қилиш унчалик қиммат талаб эмаслигини тушунирди...

Начора, ҳар қим ўз қарини билан ўлчайди, ўз тушунаси билан тушунади-да. Нима бўлганда, шўркки, раиснинг 20 миллион сўмлик даъвоси рад этилди. Апетляция шикоятни берилмади. Демак, Ҳал қилув қарорини қонуний қўриб чиқарди.

Биз ҳам шу билан қифояланиб, судда "ютиб чиққан-нимизини" мақтанганамо жар солиб юрмайлик деб ёзмай қўйиб қолган эдик. Янгида тахририятга Б.Боймухамедов эъган қассасига шикоятининг нуҳаси почта орқали келиб қолди. Қизиги, у билан кетма-кет "Ўзбекистон" ширкат ҳужалигида Б.Боймухамедов раис бўлган даврида ҳужалик раҳбарининг ноқонуний ҳаракатларидан азият чеккан бошқа бир фермернинг суд орқали адолатни тиклагани тўғрисида адлия ва суд ҳужжатларини олиб келишди. Бу — алоҳида мавзу.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига



**Асосий Қонунимизда белгилаб берилган ҳуқуқ ва кафолатлар ёшлари-мизнинг чуқур билим олиб камолга етишларига, эртанги қунимизнинг муносиб кишилари бўлиб етишишлари-га йўл очмоқда.**

## ҲУҚУҚЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Буюк юнон донишманди Афлотун "Халқ қонунларга эҳтиёж сезган ҳолда уни чуқур ўрганиши зарур. Чунки улар кейинчалик халқнинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди", деган эди. Зеро, бу фикр ҳозирги кунда ҳам ўз қиймати-ни йўқотмаган. Мамлакатимиз мустақиллиги қўлга киритган вақтдан бошлаб ҳуқуқий давлат ва Ҳуқуқлиқ жа-миятини қўриш йўлини танлаб олган ҳолда мазкур йўналишнинг ҳуқуқий асосини яратиш ва Ҳуқуқларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида катта ишларни олиб бормоқда. Бошқачасига айтганда бундай ёндошув давлат сиёсатининг асосий вазифасига айланди. Республикада Президент Ислам Каримовнинг бевосита раҳбарлигида ва иштирокида ишлаб чиқилган ҳамда 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ҳуқуқларини рўйбега чиқариш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ этишда, ҳуқуқлар, суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос ва пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциянинг муқаддасидаёқ инсон ҳуқуқларига, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик, инсонпарварлик, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсади тантанали равишда эълон қилинди. Унинг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шайни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади", деб белгиланган.

Ана шу ғоялар асосида ҳуқуқий демократик давлат қўриш ва Ҳуқуқлиқ жамиятини шакллантириш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос бўлган йўли танлаб олинди.

Ҳуқуқларнинг конституция ва қонунлар билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ривожланган давлатлардаги сингари Ўзбекистонда ҳам суд ҳокимиятига алоҳида масъулият юклатилган. Унда давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи эътироф этилиб, 11-моддага мувофиқ ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан мустақил фаолият кўрсатишлиги белгиланган бўлиб қўйилди.

Мустақиллигимизнинг ўтган 13 йили мобайнида Конституция негизда жамият ва давлат ҳаётини эркинлаштириш, ижро ҳокимияти тизимини мустақамлаш, Ҳуқуқларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини ривожлантириш мақсадида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Бу ислохотларнинг самараси бугун аққол кўзга ташлан-япти. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Асосий Қонунимизда инсон ва жамият манфаатлари ҳимояси изчил ва теран ишлаб чиқилган. Буни жаҳон афкор оммаси ҳам эътироф этиб келяпти. Конституциямиз ҳуқуқий давлат ва Ҳуқуқлиқ жамиятини изчиллик билан ривожлантириш таъминловчи инсонпарварлик ғояларини ўзида мужассамлаштиргани билан ҳам аҳамиятли-дир.

**Фазлиддин САМИҒЖОНОВ,**  
Тошкент Давлат  
юридик институти ўқитувчиси

Мамлакатимиз тараққиётини қишлоқ хўжалигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қолаверса, республикамиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда умргузаронлик қилади. Шу боисдан ҳам ҳуқуқимиз раҳбарияти мустақиллиқнинг дастлабки йиллариданоқ аграр соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Шундай ғамхўрликлар туфайли, бугун қишлоқ хўжалигида тер тўкиб меҳнат қилаётган ҳар бир миришқор қилган меҳнатиға яраша ҳақ олишини тўла англаб етди. Ўз ишига нисбатан масъулият ҳисси янада ортди.

Самарқанд туманидаги "Меҳробод" ижара хўжалигида бугунги кунда 12 мингдан зиёд аҳоли ис-тикомат қилади. Уларнинг асосий қисми хўжалиқдан ижара шартно-маси асосида ер олиб, деҳқончи-лик билан шуғулланишади.

"Меҳробод"да ҳам бошқа жой-ларда бўлгани каби хўжалик аъзо-ларининг фаровон ҳаёт кечириши-га, ижтимоий тузилмани ривожлан-тиришга катта эътибор қаратилаёт-тир. Шу йил хўжалик даромадлари ҳисобидан Оҳалик қишлоғида 6 минг аҳолига мўлжалланган қи-лоқ врачлик пункти қурилиб, фой-даланишга топширилди. Ўзиданг мавжуд қишлоқлар тоғ зоналари-да жойлашганлигиға қарамай хўжа-лик давлатга пилла сотиш режа-сини ортиги билан уудалади. Яъни, шартномада кўрсатилган 3,3 тон-на ўрнига 3,9 тонна пилла давлат-га сотилди. Олинган даромадлар эса, юқорида таъкидлаганимиздек, хўжалиқда умргузаронлик қилаёт-ган аҳолининг яшаш тарзини ях-шилашга сарфланмоқда.

Хўжалиқда жами 800 гектар су-ғориладиган экин майдонлари мав-жуд бўлиб, унинг 490 гектарига ғалла экилиб келинмоқда. Қолган

## РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ

— Хўжалигимиз бу табиий офат-дан жуда катта зарар кўрди, — дейди "Меҳробод" ижара хўжали-ги раиси Шохмурза Тўраев. — Ай-ниқса, мазкур 200 гектар тоқзор-да жонини жабборга бериб, кеча-ни-кеча, кундузи-кундуз демай меҳнат қилган ижарачилар нима қилишни билмай қолди. Чунки, улар шу тоқзорлардан олган даро-мади ҳисобига қозонини қайна-тишади, бола-чақа боқишади. Ту-ман ҳокими ва хўжалигимиз фа-олларининг бевосита кўрсатган амалий ёрдами боис бу муаммо-ни ўз вақтида атрофича ўрганиб

ҳалол меҳнати билан қозонини қайнатишни истайди. Мана улар тоқзорларни дўл уриб кетса ҳам келгуси йил ҳосили учун тимин-сиз меҳнат қилишмоқда. Чунки де-ҳқончилигимиз бараксини бериб қолса ҳар бир гектар тоқзордан камиди 33 тонна узум олинади. ... Сухбатимизга Қаҳрамон Нав-рўзов бошчилигидаги бир гуруҳ хўжалик аъзолари ҳам келиб қўшил-ди. Улар туман ҳокимияти ташаб-буси билан янги сайланган хўжа-лик раиси Шохмурза Тўраевнинг ишга келган кундан бошлаб аҳоли-нинг турмуш шароитларини яхши-

буотда эълон қилади.

Сенат аъзолари сайлови қонунчилик палатаси де-путатлари сайловидан анча фарқ қилади. Сенат аъзо-лари Қорақалпоғистон Рес-публикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан Қорақалпоғистон Респу-бликаси Жўқорги Кенгеси, ви-лоят, туман ва шаҳар дав-лат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисла-рида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бе-риш йўли билан сайлана-ди. Овоз бериш натижа-ларига кўра бошқа номзод-ларга нисбатан кўпроқ овоз олган Сенат аъзолиғига номзодлар, башарти давлат ҳокимияти вакиллик орган-ларининг қўшма мажлиси-да ҳозир бўлган депутат-ларнинг 50 фоизидан кўпроғи уларни ёқлаб овоз берган тақдирда улар сай-ланган деб ҳисобланади-лар.

Конституциянинг 77-мод-дасига биноан, Сенатнинг 16 нафар аъзоси Ўзбекис-тон Республикаси Прези-денти томонидан тайинла-нади. Сенатга сайлов ма-ҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисларининг баённо-малари асосида бу баённо-малар келиб тушган кундан эътиборан беш кундан ке-чиктирмай Сенат аъзолари-ни рўйхатга олади, шунинг-дек, Сенатни шакллантириш якунари тўғрисидаги ахбор-оти ва сенаторлар рўйха-тини ўн кундан кечиктирмай матбуотда эълон қилади.

Сайловдан олдин ўткази-ладиган тарғибот ва таш-виқот ишлари депутатлик-ка номзодлар тегишли сай-лов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Де-путатликка номзодларнинг сайловчилар билан йиғи-лишлари ва учрашувлари иш вақтидан бошқа пайтда ўтказилади. Халқ депутат-лари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлиғига номзод 3 нафарга қадар ишончли вакилга эга бўли-ши мумкин.

Овоз бериш, уларни са-наб киши, сайлов натижа-ларини аниқлаш тартиб қондилари Олий Мажлис-нинг Қонунчилик палатаси-га сайлов ўтказишдагидан фарқ қилмайди.

Ўтказилган сайлов яку-нари тўғрисидаги ахбороти ва сайланган депутат-ларнинг рўйхатини тегишли вилоят, туман, шаҳар сай-лов комиссияси сайлов ўтказилган кундан бошлаб қўли билан 10 кун муддат ичида матбуотда эълон қилади.

Бугунги кунда жаҳон ҳам-жамиятидаги 75 мамлакат-да икки палатали парламент фаолият кўрсатмоқда. Янги йилдан бошлаб уларнинг сафи яна биттага кўпаяди, яъни унга Ўзбек Парламен-ти ҳам қўшилиди.

Олий Мажлисининг юқори палатаси — Сенатга сайлов

маҳаллий давлат ҳокимия-ти вакиллик органлари сай-лангандан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади. Вакиллик идораларининг қўшма мажлиси барча де-путатларнинг умумий сони-нинг учдан икки қисми ҳозир бўлса, Сенат аъзоли-ғига сайлов ўтказиш учун ваколатли ҳисобланади. Масалан, Тошкент вилоят-ида сенаторлар сайлаш учун вилоят кенгаши, вилоятда-ги барча туман ва шаҳар-лар депутатларининг ками-да учдан икки қисми тўпла-ниши зарур. Масаланинг муҳимлиги ҳисобга олиниб, ана шундай қворум белги-ланган.

Овоз беришда тегишли миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса, шу мажлисининг ўзида такрорий овоз бериш ўтказилади. Ўтказилган сайлов ҳақиқи-эмас деб топилса, такрорий овоз беришда ҳам белги-ланган миқдорда (6 киши) Сенат аъзолари сайланма-ган бўлса, такрорий сайлов ўтказилади. Такрорий сай-лов сайланмаган қолган Се-нат аъзолари учун ўткази-лаб, асосий сайловдан сўнг қўли билан ўн беш кун ичи-да ўтказилиши шарт.

Энди бу борада мавжуд бўлган жаҳон тажрибасига эътибор берадиган бўлсак, жаҳон мамлакатларининг давлат қурилиш тажрибаси-да сайлов тизимининг ма-жоритар, пропорционал ва аралаш каби бир қанча тур-лари қўлланилади.

Энди бўлибларинг ҳар би-рига алоҳида тартибда тўхталадиган бўлсак, мажоритар тизим деганда фран-цузча majorite — кўпчилик сўздан олинган бўлиб, конституциявий ҳуқуқда ва-киллик идораларига сайлов-ларда овоз бериш натижа-сини аниқлаш билан боғлиқ бўлган фаолият тушунилади. Мажоритар тизимда қонун билан белгиланган кўпчилик овозини олган номзод (ёки номзодлар рўйхати) мазкур округ бўйича сайланган деб ҳисобланади. Ҳозирги замон конституциявий ҳуқуқда мутлақ ва малакали кўпчи-лик овозига асосланган ма-жоритар тизимлар кўпроқ қўлланилади. Масалан, АКШ, Буюк Британия, Хи-ндистон, Мексика сингари давлатларда ана шу тизим-га амал қилинади.

Агар номзодлардан би-ронтаси ҳам етарлича овоз олмаса, бундай ҳолларда қайта овоз бериш ўткази-лади, бунда номзодлар рўйхатида нисбатан кўп овоз олган иккита номзод қолдирилади. Ўзбекистонда кайта овоз бериш ўрнига 2-тур овоз бериш ўтказилади, бу-нинг натижалари бошқача тизим бўйича аниқланади. Масалан, Францияда Мил-лий мажлисга сайловларда мутлақ кўпчилик овозига асосланган, 2-тур овоз бе-ришда эса нисбатан кўпчи-лигининг овозига асосланган мажоритар тизим қўллани-лади.

Ҳар бир сайлов округи-

дан сайланадиган депутат-ларнинг сонига қараб бир мандатли ёки кўп мандатли мажоритар тизимлар бўли-ши мумкин. Бир мандатли мажоритар тизимда бир ок-ругдан бир депутат сайла-нади.

**Пропорционал** сайлов тизими овоз бериш нати-жаларини аниқлашнинг бир мунча мураккаб тартиби бўлиб, бунда мандатлар ўз номзодларини вакиллик идораларига қўйган партия-лар ўртасида улар томони-дан олган овозларнинг со-нига мос равишда тақсим-ланади. Овоз бериш нати-жаларини аниқлаш учун сайлов мезони, яъни бир депутатлик мандатини олиш учун зарур бўлган овозлар-нинг энг кам миқдори (одатда 4-5 фоиз қилиб) белгиланади.

Бундай тизимда сайлов-чи амалда номзод учун эмас, балки сиёсий партия учун овоз беради. Сайлов-чиларнинг овози белгилан-ган меъёри доирасида ва шунга мутаносиб равишда депутатлар мандатлари со-нини келтириб чиқаради. Бу ўринлар партия раҳбар идо-ралари томонидан партия-вий рўйхатнинг асосий қис-мидан ўрин олган номзод-ларга берилади.

Пропорционал сайлов ти-зими Исроил, Венгрия, Ав-стрия, Дания, Испания ва Польша каби кўплаб мам-лакатларда мавжуд.

**Аралаш** сайлов тизими ўзида ҳам мажоритар, ҳам пропорционал сайлов ти-зимлари унсурларини му-жассам этади. Масалан, Германияда Бундестагга сайловларда аралаш тизим қўлланилади. Ундаги де-путатларнинг ярми бутун мамлакат ҳудудини қамраб олган бир мандатли сайлов округларида нисбатан кўпчилик овозига асослан-ган мажоритар тизим бўйи-ча, иккинчи ярми эса кўп мандатли сайлов округлари ҳисобланган герман улка-лари (федерация субъектла-ри)да сиёсий партиялар то-монидан илгари сурилган номзодлар рўйхати асоси-да пропорционал тизим бўйича сайланади. Аралаш сайлов тизими Болгария, Грузия, Литва, Италия ва бошқа мамлакатларда ҳам кенг қўлланилади.

Халқро қонунчиликда фаол ёки султ сайлов ҳуқуқини амалга ошириш учун белгиланган шарт ва келашлар тизими ҳисоб-ланган сайлов цензларига амал қилинади. Цензлар турли хил бўлиши мумкин. Жинс ва ёш ҳуқи (аёллар-нинг сайлов ҳуқуқини амал-га оширишга рўхсат бериш ёки уларни чеклаш, муайян ёшга тўлганда сайлов ҳуқуқини амалга ошириш); ижтимоий ва маълуқ, маъ-лумоти даражаси, ўтрок (те-гишли ҳудудда доимий ёки муайян вақт давомидида яша-гани), фуқаролик (мамлакат

сайлов ҳуқуқини бериш ёки чет эл фуқаролиғи ва фуқаролиғи бўлмаган шахсларнинг сай-лов ҳуқуқини чеклаш) шу-лар жумласидандир.

Тарихқа назар ташласак, цензлар турли даврларда турли хил қўлланилган. Ма-салан, дастлаб сайлов ҳуқуқи фақат эркакларга бе-рилган, XX асрда эса эр-каклар ва аёллар ҳуқуқи тенглаштирилган. XIX-XX асрларда табақавий ва мул-кий цензлар кенг қўлланил-ган. Табақавий ценз шун-дан иборатки, муайян таба-қага мансуб бўлган аҳоли-нинг сайловларда иштирок этишига йўл қўйилмаган.

Айрим давлатларда қуйи-даги цензлар мавжуд: ёши (кўпчилик давлатларда), иж-тимоий (Буюк Британия ва Францияда ҳарбий хизмат-чилар сайловда иштирок этмади), сиёсий (Индоне-зияда компартия аъзолари сайловларда қатнашмайди), ўтрокчилик цензи (Бельгия, Австрия, Швеция, Голлан-дия, Германия давлатлари-да номзоднинг муайян ҳудудда вақтинчалик ёки доимий яшashi). Фаол сай-лов ҳуқуқиди ёш чегараси турли мамлакатларда тур-лича белгиланиши мумкин. Бунда фуқаро вағта етиши билан давлат ҳокимияти-нинг бошқарув идоралари-да бўладиган сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Мисол учун айтсак, Бразилияда фуқаролар 16 ёшдан, Индонезияда 17 ёш-дан сайлаш ҳуқуқига эга бўлса, айрим мамлакатлар-да сайлаш ҳуқуқини олиш-га бўлган чегара анча юқори қўйилган. Малайзия, Марокаш, Боливияда фуқа-ролар 21 ёшга тўлгандан кейингина сайлаш ҳуқуқига эга бўлишади. Францияда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш 1974 йил 5 июлдаги қонун билан 18 ёш қилиб белгиланган.

Фаол сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун 18 ёшга тўлган ва маҳаллий ҳудудда муай-ян вақт (Президент сайло-вида 30 кун, бошқа сайлов-ларда 3 ойдан 1 йилгача) яшаган бўлиши керак. Овоз бериш ҳуқуқига эга фуқа-ролар рўйхатиға, рухий ка-саллар ва озолиқдан маҳ-рум этилганлар киритилма-ган. Айрим шатларда ма-ҳаллий сайловларда дайди-ларнинг иштирок этишиға йўл қўйилмайди.

Фаол сайлов, яъни сай-лаш ҳуқуқиди ёш цензи турли давлатларда аҳоли-нинг барча тоғфаси учун бир хил белгиланса, султ сайлов ҳуқуқиди ёш цензи номзоднинг қайси идора-га сайланаётганлиғига қараб турлича белгилани-ши мумкин. Масалан, Францияда Миллий Маж-лис депутатлиғига, Прези-дентлик ва Европа Парла-ментига номзоди қўйилган шахс 23 ёшга, Сенатга сайланиш учун эса 35 ёшга тўлган бўлиши шарт. Бун-дан ташқари, барча ном-зодлар ҳарбий хизматни

тўлиқ ўтаган бўлиши ло-зим.

Таъкидлаш жоизки, сай-ланиш ҳуқуқига баъзи мам-лакатларда анча юқори та-лаблар мавжуд. Италияда сенатор бўлиш учун номзод 40 ёшга тўлган бўлиши шарт.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, турли мамлакат-ларнинг сиёсий ҳаётида сайловларнинг аҳамияти ва таъсири бир хил эмас. Чун-ончи, Буюк Британия пар-ламентининг қуйи палатаси (жамоа палатаси) ва маҳал-лий идоралар сайлов йўли билан ташкил этилади. Францияда сайлов йўли би-лан шакллантирилдиган идоралар доираси кенгрок бўлиб, давлат бошлиғи, парламентининг ҳар икки палатаси ва маҳаллий бош-қарув идоралари фуқаролар томонидан сайланади.

Сайловлар амалга оши-риш усулиға кўра, икки тур-га бўлинади. Тўғридан-тўғри усулда сайловчилар кимни сайлаш ёки сайла-маслик масалаларини ўзла-ри ҳал қилади. Сайловчи-ларнинг сайлаш масаласи-ни ўзлари томонидан сай-ланган вакиллар — депутат ва бошқалар орқали ҳал қилиши бевосита сайлов дейилади. Бундай сайловга АКШ президенти ёки Фран-ция сенаторларини сайлаш-ни мисол сифатида кўрса-тиш мумкин. Оммавий сай-ловда мамлакатнинг барча сайловчилари иштирок этса, қисман сайловда сай-ловчиларнинг муайян қис-ми қатнашади. Оммавий сайловга президент ва пар-ламент сайловлари, қисман сайловларга эса парла-ментга битта ёки бир неча депутатнинг мандатидан ил-гари овоз этилган ҳоллар-да қайта сайлаш ҳолатлари мисол бўлади. Шунингдек, сайловлар қонун билан бел-гиланган муддатда навбат-дан ташқари ҳам ўтказили-ши мумкин. Бунда сайлов-ларнинг ҳақиқий ўтказилма-гани ҳолати асосий мезон ҳисобланади.

Қўрииб турганидек, ҳозирги замон сайлов ти-зими одамларнинг ўз хо-ҳиш-иродасини эркин ифо-далаш ва сайланувчи ном-зод тимсолида манфаатла-рини рўйбега чиқаришга хиз-мат қилади.

Хулоса қилиб шуни ай-тиш мумкинки, мамлакат-и-мизда ўтадиган сайловлар унда иштирок этувчи барча кишиларнинг эғру максад-ларини, фаровон ҳаёт сари интилишларини ўзида акс эттириб, бу фаровонлик том маънода ҳаётда ўз аксини топиши учун эса ислохот-ларни давом эттириш, жа-миятда барқарор осойиш-талиқ, тинчлик, тотувлик до-имий ҳаёт тарзимиға ай-ланишиға муносиб замин яратади.

**Эргаш САЙТОВ,**  
Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлигининг ўринбосари

## Ислохот ва самара

лаш, хўжалик иқтисодини изга со-лиш билан изчил шуғуллангани ҳақида туқиниланиб сўзлади. Ху-сусан, раиснинг ғайрат ва шижоа-ти билан одамлар оғирини енгил қилдиган техникалар тез кунлар ичида қайта таъмирланиб, ишга ту-ширилган. Деҳқончиликка, богдор-чиликка эътибор қўнайтирилган. Айни кунларда кузги ғалла экил-ган майдонлардаги ғалла тўлиқ униб чиқмоқда. Ям-яшил майса-лар кўзни қувонтиради. Хўжалик ижарачиларининг, қолаверса, раҳ-бариятининг ўз ишиға бўлган че-ксиз меҳри-муҳаббатининг шарофа-ти бу. Ахир раиснинг олиб-югури-ши туфайли хўжалик четдан қат-тиқ илтимос евазига келтирилади-ган тракторларға эҳтиёж сезмади. Чунки улар бу ишни таъмирдан чи-қарилиб, асов отай қопқилаб турган ҳайдов тракторлари орқа-ли бажардилар.

Дарвоқе, бугунги бозор иқти-содиёти шароитида раҳбарларда фақат раҳбарлик қобилияти кам-лик қилади. Бугунги раҳбар, ай-ниқса, кўпчилик одамлар билан ишлайдиган раҳбар ишбилармон ва тадбиркор бўлиши лозим. Ана шундангина Самарқанддаги "Меҳ-робод" ижара хўжалиғи раиси Шохмурза Тўраев каби эл-юрт на-зарига тушади, уларни олқишиға сазовор бўлади.

**Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,**  
"Адолат" мухбири

## САҲНАДА ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Бухородаги Садриддин Айний номидаги вилоят муси-қали драма театрида "Тазарру" деб номланган спектак-лининг премьераси бўлиб ўтди.

Спектакл Бахшўло Ражабов асари асосида Ўзбекис-тон халқ артисти, театрининг бош режиссёри Убайдулло Бақоев томонидан саҳналаштирилди.

Мазкур асар бир оиланинг фожиали ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Тинч ва тотув оила фарзандининг гиёҳвандлик балосига йўлиқиб, ҳалокат ёқасига бориб қолиши томо-шабинлар қалбиди ба ыллатга бўлган нафратни уйғо-тишга хизмат қилади.

Спектаклда актёрлар С.Умаров, А.Мавлонов, Р.Қандо-ва, С. Отаев ва бошқалар иштирок этишган. Мазкур асар-дан олдин ҳам вилоят театри саҳнасида драматург Бах-шўло Ражабовнинг "Яллама ёрим" трагикомедияси ҳамда "Хондақ" асари саҳналаштирилиб, улар томоша-бинлар томонидан муваффақиятли кўтиб олинган.

**А.ҚУДРАТОВ**

## ГРАНТ 200 МИНГ ДОЛЛАРДАН ОРТДИ

**Япония ҳукумати томонидан Самарқанддаги бир неча билим масканларидаги шароитларни яхши-лашга йўналтирилган грантлар ажратилди.**

Иштихон туманида шу йил Япониянинг мамлакатимиз-даги элчихонаси томонидан ажратилган 70 минг АКШ доллари ҳисобига иқтидорли болалар мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аслида ушбу маблағ мак-таб биносини бунёд этиш учун сарфланган эди. Уни ке-ракли хўжозлар билан таъминлашда туман ва вилоят ҳокимликлари, халқ таълими бошқарма ва бўлими ҳам катта ҳисса қўшди. Ҳозир бу ерда 300 га яқин иқтидорли болалар турли йўналишлар бўйича таълим олишмоқда. Умуман олганда, вилоятдаги ўрта таълим масканига аж-ратилган грантларнинг жами қиймати 200 минг доллар-дан ортди. Кўнчиқар мамлақати элчихонасининг ҳодим-лари ушбу мактабларга таширф буюриб, ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар билан бевосита мулоқотда бўлиди. Таъ-лим шароитлари билан танишиди.

"Туркистан-пресс"

Қуйи Амударё минтақа-сида бунёд этилаётган Қорақалпоғистон жанубий бош коллектори фойдала-нишга топширилган, 500 минг гектардан ортқ майдоннинг сув таъминоти ва мелiorатив ҳолати яхшилаш имконияти яратилди.

Муҳим жиҳати, ушбу коллектор ишга тушган, оқова сувлар ўз йўнали-

## ИМКОНИЯТЛАРНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРАДИ

ши билан Орол денгизи-га қўйилади. Шунингдек, Беруний, Қизилқум насос станциялари фаолиятиға чек қўйилди ва қанча-дан-қанча электр энергия, ёниги маҳсулотларини тежа-ш имконияти ярати-лади.

Қорақалпоғистон Жану-бий бош коллекторининг учини навбати қарийб 50 километрни ташкил эта-ди. Бу ерда Элиқалъа туманидаги Қирққизобод сув қурилиши бунёдқор-лари барча қурилиш иш-ларини олиб боришмоқ-да. Қурилиш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида Жаҳон банки томонидан 74 миллион АКШ доллари ажратди.

Санжар ТОШПҮЛАТОВ



ҚАДРИМГА ЙИҒЛАЙМАН

**Шамситулла ҚУРБОНОВ,**  
и.ф.н. д. в.и.и. Ученый секретарь

Эҳтиром

Назм гулшани

КУЛГИ  
БЕКАТИДУНЁ ТАН ОЛГАН  
АКАДЕМИК

Бугун ўзининг 70 ёшини нишонлаётган таниқли олим Тўхтамурод Жўраев ҳақида кўпчилик юртдошларимиз мамнуният билан эътироф этишмоқда

Орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг умри-бамисли кўркам боғ. Яъни, қаерда, қайси лавозимда ёки қандай касбда фаолият юритмасин элга ҳам, юртга ҳам фақат нафи тегади. Таъбир жоиз бўлса, меҳнати мева беради. Албатта, бундай сеҳрли мевалардан бахрамандлик — Яратганнинг насибасидир. Алҳол, бундай инсонни пешонаси ярқираган — то-леи баланд дейиш ўринлидир.



Атоқли олим, таниқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон фанлар академиясининг академиги Ўзбекистон "Адолат" СДПни ташкил этишда жонбозлик кўрсатган ташкилотчиларнинг бири Тўхтамурод Жўраев ҳақида гап кетганида айнан худди шундай таърифу таъсирлар муносибдир. Зотан, ул муҳтарам зот ўзининг бор илму салоҳияти билан жамият ва халқ манфаати йўлида жонбозлик кўрсатди.

Даставвал унинг нуфузли дорилфунун аудиториясида кунт ва сабот билан эгалаган билимлари кейинчалик амалий фаолиятда гоёт асқотди, улкан тажрибалари ва янги илмий изланишларига кенг йўл очди. Бу ҳол айниқса республикамиз Фанлар Академиясининг Математика институтида кичик илмий ходимликдан бошлаб, ҳозирги нуфузли Ўзбекистон Миллий университети (ўша пайтда ТошДУ) ректори ва Ўзбекистон Фанлар Академияси президенти сингари қатор мартабали лавозимларда ишлашида, эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонишида, бугунги юксак ҳурмату эҳтиромга мушарраф бўлишида асосий омил бўлди, десак аниқлигимиз.

Мамнуният билан таъкидлаш жоизки, Тўхтамурод ака республикамиз зиялилари орасида малакали илмий кадрлар тайёрлаш бўйича ўзига хос ўрнига эга. Бу борада катта мактаб яратган. Ҳозирги кунда бу ҳол хассос устознинг ўнлаб фан номзоди ва яна ўнлаб фан доктори, профессор бўлган шогирдлари физика-матема-

тика ва техника фанлари бўйича турли илм даргоҳларида, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотларида эл-юрт равақли учун самарали хизмат қилишгаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Академик Тўхтамурод Жўраевнинг илмий салоҳияти нафақат республикамиз ёхуд мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда, балки халқаро микроскопда тан олинган. Хусусан, ноқлассик дифференциал тенгламалар ва шу соҳага оид илмий тадқиқотлари Италия, Польша, Болгария, Грузия, Германия, Россия, Венгрия, Туркия каби бир қатор давлатларнинг ихтисослашган илмий муассасаларида эътироф этилган, муносиб баҳоланган.

Шунингдек, Тўхтамурод Жўраевнинг Олий Мажлис депутаты сифатидаги фаолияти ҳам гоёт серкирра ва сермахсул. Шу ўринда у киши 1995 йилдан буюн Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг ташкилотчиси ва Сийёсий Кенгаши аъзоси сифатида ҳам фидокорона фаолият юритиб келётганини чуқур эҳтиром билан эътироф этиш жоиз. Албатта, орамизда шундай инсонларнинг борлиги мақсадлар теранлигини, истаклар ҳолислигини ифода этади.

Тўхтамурод ака муборак 70 ёшга тўлди. Биз эса "Баракали умрингиз узун ва янада фаришб бўлсин, Ҳозирги кунда ака!" дейишдан фахрланамиз.

Сафар ОЛЛОЁР

## ИЛКИНГИЗДА ҚАЛБИМ БИР ҚАДАҲ...

Илмингиза Зорлар...

Дилим хунобидир шеърларим байтим. Сизга айтларим, дерларим айтдим. Мана илкингизда қалбим бир қадаҳ, Хоҳ уни сипкаринг, хоҳ тўкинг чайқаб.

Сиз бундан заррача бўлмагн озурда, Биламан, лойиксиз қайноқ севгига. Бироқ айтинг бизга термулар чоғда Қароғингиз бўйла маҳзун кўрдик, а?

Балки бу савдолар тушмасди бошга, Бу кўзлар, шу кўзлар сўйламаганда. Мағлуб онларимда жик тўлиб ёшга, Фолиб дамларимда куйламаганда.

Мана, илкингизда жоним лим қадаҳ, Хоҳ уни сипкаринг, хоҳ сепинг тошга. Илзингизда зорлар минглаб, муҳаққақ Абдунабидайи кемайди бошқа.

Шоирнинг ўзига нақадим

Рози қиларманми мен сизни, ота, Сиз суйган йўллардан юрлмамдиган-ха! Фарзандлик бурчини сидқидил ўтаб, Сарбаланд уй-хойлар қуролмамдиган ҳам.

Одам бўлиб дунё йигмабман, Элиб бериб кўнглингиз олсам. Халол бўл, деб, бағрим тиглабман, Қувонибман пора олмасам.

Дарёдил дарёлик кутибсиз мендан, Жилла курса жилға бўлмадим. Шеърлар ёзиб, шоирлар каби Бундоқ ўттизимда... ўлмадим.

Камтаргина ўтди маъракаларим, Уй курсам қўшнимдан оширмай, дедим. Халолдан тилаб топганим, борим, Есам бировлардан яширмай едим.

Чор-ночор кунларим чиқмади ёддан, Эҳсон қилдим элдай-одмироқ. Нафсимда ўлдирдим ўзини, ҳаддан Ошмадим, аслимдан тушмай деб йироқ.

Рози қиларманми, мен сизни Ота!..

Плазфар

Рауф Парфининг "Тавба" номли шеърини тўлаими муқовасига тагсўз.

Қизик бўлар экан Қоп-қора кўёш Кўнглини қўйдириб қароғи ила Вужудинг илитса-хоксор бардош Ўзигамас сенга турса бахт тилаб.

Зулмат қамаштирган мижжаларила Нурлар эмиб оқ-ойдин шуур, Кириб келса кўнгли кўчаларига Тавба қил. Тавоб қил. Ул илоҳий сир.

Фаргона политехника институтида масофавий таълимни ўқув жараёнига қиритиш муаммоларига бағишланган республика илмий-услубий семинари ўтказилди.

Масофавий таълимни ўқув жараёнига жорий этиш шу кўнглингиз долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунинг учун масофавий таълимда иш-тироқ этувчилар, яъни ўқитувчи ҳамда талаба ўртасида алоқани ташкил қилиб берувчи "Тютёр"ларнинг ҳамкорлигини юзга келтириш, шунингдек, масофавий таълимни ташкил қилиб берувчи замонавий техник жиҳозларга эга бўлиш долзарб. Шу талаблар қаторига мазкур таълим тизимини ташкил қилишда керакли ўқув-услубий материалларга эга бўлиш ҳам кириди. Бу борада Фаргона политех-

Ох, озурда шармим, бечора ҳаём, Сизни мазлум кўрдим. Бу шўрлик замон. Шоирнинг тавбаси-покиза паём Тинчимас, тинчитмас, қилар имтиҳон.

Йўқ, ҳали пулсирот кўприги олис, Виждонга ҳайкал ҳам қўйилганча йўқ. Имкон бор исботнинг, сўроғи холис Чин дунё, чин дунё, Унда риё йўқ.

Ў, шоир дардингиз тушундим, илло Сизнинг саволларга бир нав жавоб шу. Тазарру онидир, умид-тасалли, Ҳозирча Сиз унинг хур, озод қўши.

Шеърят, учавер, кўкда нурхижоб Хурёлқин наволар қолдириб ўздан. Шоирлар умридан, ризикдан тежаб, Иккинчи қабрини қазади сўздан.

Олов қизим

Она қизим, оймома қизим, Гина қилсанг айланай ўзим. Ўт-оловсан ўзимдайин, Ўзим сенга тилайман тўзим.

Она қизим, Оловнинг қизи, Аразласанг бу олам бийдир, Эркалансанг мен пардай сузиб, Қўёш ийиб, ойлар эрийди.

Мўлтирайди сенга осмон, Тоғу-тошлар турар мусаллам. Афсуски, мен тош эмасман Тоғ эмасдир мушфиқ онанг ҳам.

Мен отаман... Шоҳдир, гадодир Қизи борга оғир азалдан. Ўзирганда ёлғиз... Худо бир... Пешонангга нелар ёзилган?

Тўққанларинг турмас абадий, Ўлим ҳақдир. Тақдир, йитармиз. Нураб тушган харсанглр каби Бир кун тўпроқ бўлиб кетармиз.

Ўйлайсан-ки, Азиз бошимда Қачонгача ёнғоқ қақар, деб. Қарамганчу, отам қолмаса, Қўёш қачон, қачон чиқар деб.

Қўёш чиқар, қиқаверади, Юзга кирсанг боламсан, болам. Қанча йироқ кетма, барибир Қалбим ўртар ноламсан, болам.

Она қизим, Олов қизим.

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМГА  
ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

ника институти профессор-ўқитувчи-лик, илмий ходимлари мазкур негизни яратиб улгурдилар.

Масофавий таълимни ташкил қилиб берувчи мутахассисларни тайёрлаш, улар билан ишлаш ва бу мутахассислар орқали жаҳон тажрибасини мамлакатимизда ташкил қилинаётган масофавий таълимда қўллаш масаласи ҳам долзарбдир, — деди ФарП. Ахборот технологиялари ва масофавий таълим марказининг бошлиғи Абдурашад Холмирозев. — Семинарда талабаларга лаборатория ишларини компьютер ёрдамида ба-

жаришлари учун компьютер механизми жиҳозларини қандай бошқариш кераклиги ўргатилмоқда.

Анжуман иштирокчилари компьютерлаштирилган лаборатория хонаси билан танишди. Семинарда мутахассис олимлар, магистр, аспирант ва докторантларнинг маърузалари тингланди. Узаро мулоқот ҳамда фикрлар натижалари бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тавсияномалар тақдим этилишига келишиб олинди.

Инобат ЭГАМКҲУЛОВА,  
"Туркистон-пресс"

## Долзарб мавзу

ядорларимиз орасида спортнинг чинакам мухлисларини йўқми? Улар ў ёки бу клубни сотиб олиб, тўла таъминлаб туришлари мумкин-ку! Клуб оёққа туриб олгач, аста-секин мўйай даромад манбаига айланади. Бунинг чет эллардаги профессионал клублар мисолида қўйишимиз мумкин. Шундай спорт клублари борки, баъзи бир мамлакатларда иллийк бюджетидан ортироқ даромад қўрадилар. Россиялик магнат Роман Абрамович Англиянинг машҳур "Челси" клуби инкирози остида турганда уни фақат шон-шухрат учун сотиб олган йўқ.

Бугун спорт клублари учун мамлакатимизда бир қатор қонуний молиявий имтиёзлар мавжуд-ку, дерсиз. Шаунақаси ҳам бўлиб туради. Аммо бу ҳукуматнинг эмас, клубнинг муаммолари. Бели бақувват сармо-

хисса қўшган, барча мухлисларнинг обрў-эътиборини қозонган бўлибгина қолмай, катта даромад эгаси, ўз номини тарихда қолдирган инсонга ҳам айланади. Бугунги усул билан "Андижон"га қаердан бир маблағлар топиб, уни олий лигада чемпион қилиш ҳам мумкин. Аммо буларнинг ҳаммаси вақтинчалик ҳол бўлади. Ҳомийлар "садақа" бермай қўйишса, яхши уйинчилар, ҳатто мураббийлар ҳам жамоани тарк этишади, клуб яна "тешик тоғара" билан қолаверади.

Бу фақат Андижон вилояти учун хос эмас, бутун мамлакатимиздаги чала профессионал спорт клубларининг муаммоси. Клубларга "қармоқ бериш" вақти келди. Қармоқ балиқдан анча қимматроқ. Аммо, найлож...

Тўлқин СИДДИК,  
"Адолат" муҳбири"МЕҲР-МУРУВВАТ"  
МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

ланган аҳоли қатламига ҳомийлар ва халқаро ташкилотлардан олинган мурувват ёрдамлари кўрсатилмоқда, — деди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамағмаси вилоят бўлимининг директори Баҳора Ҳамдамова.

Жумладан, вилоятдаги йирик саноат корхоналаридан бири — Навоий кон-металлургия комбинати жамағармага беминнат ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқда. "Меҳр-мурувват" маркази учун замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳам худди ана шу корхона ҳомийлик ёрдами сифатида тақдим этди.

Яқинда Навоий шахридаги "Фарход" маданият саройида Навоий кон-ме-

таллургия комбинати томонидан "Соғлом авлод учун" жамағармасига вилоятдаги кам таъминланган ҳамда олис чўл туманларида истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ажратилган 20 миллион сўмлик киши кийим-кечаклар тақриятлид.

Маросимда иштирок этганлар "Агама" трикотаж фабрикаси томонидан тўкиб чиқарилган турли хилдаги кийим-кечаклар "Меҳр ва мурувват" йилида ёрдамга муҳтожлар, айниқса, болалар учун энг яхши совға эканлигига гувоҳ бўлдилар.

М. ҲОСИЛОВА

Бугун "Андижон" футбол командаси мухлисларини фақат бир савол қийнамоқда: — Жамоамиз олий лигада қолармикан?

Очиги, бу янги гап эмас. Сийқаси чиққан гап. Бу савол деярли ҳар йили кўзда "Андижон" олинди қўндаланг туради. Бироқ бу йил у хар қачонгидан ташвишлор кўриниш олди. Жамоа кузги япроқдай олий лига шохиди қалтираб турибди.

Сабоби маълум. Пул йўқ. Бу ҳам янги гап эмас. Айтингчи, вилоятдаги қайси спорт клубининг пули ошиб-тошиб ётибди? Қайси спорт мураббийси билан гаплашманг — агар моддий жиҳатдан бақувват бўлса, албатта чемпион бўларди, ҳақон спорт майдонида жавлон урарди, — дейишади.

Тўғри, мамлакатимизда истеъдодлар етарли. Яхши мураббийлар, фанратли ёшларимиз кўп. Аммо моддий қийинчиликлар уларни лочиндай парвоз қилишига тўсиқ бўлиб, мусиқадай паст

учишга мажбур қияпти. Футбол клублари: "Берсанг" ейман, урсанг уламан" қабилида яшашга ўрганиб қолишган. Ҳар йили "Андижон" жамоасига вилоят ҳокимлиги томонидан ўнлаб ҳомийлар берилади. Аммо...

Андижон вилоятидаги биринчи лигада кўтарилган жамоалар қандай ахволга тушганини бир эслаб кўринг. "Шахрихон"дан ташқари уларнинг ҳаммаси бир қисматга учрадилар. Йирик туманлар ҳам харажатларни кўтара олишмади. Оқибатда вилоят шарофтини биринчи лигада химоя қилиш ҳуқуқини қўлга қиритган жамоалар шармандаларча пастга шўнғиб кетишди.

Нима қилмоқ керак? АҚШ арбобларидан бири Мадлен Олбрайт хоним анжуманлардан берида шундай деган эди:

— Корни очларга сен балиқ берма, қармоқ бер!

Тўғри фикр! Зеро, қорни очлар берган балиқнинг бири кунда еб туғатиб, яна емиш сўрай-

ди, қармоқ берсанг, у балиқчиликни ўрганади, аста-секин ўзини ҳам, оиласини ҳам тўйдириб, ҳатто бошқаларга ҳам ёрдам бера бошлайди. Бундан давлат ҳам, жамият ҳам манфаатдор.

Нима дедимкиман? Футбол жамоаларимиз, спорт клубларимиз давлатга қарам бўлиб қол-

маслиги керак. Уларга ҳар қуни "садақа берма-лик", балки ўзларини ўзлари боқишлари учун шароит яратиб берилик. Клуб бу мустақил ташкилот. У олий, биринчи, иккинчи лигада тўп сурадиган жамоани тўла таъ-

чалик ўзларининг ишлаб чиқариш корхоналари ҳам бўлиши мумкин.

Клуб моддий жиҳатдан оёққа туриб олса, жамоага ҳомийлар ахтариш, уларни маблағ ажратишга мажбур этиш ташвишдан холи бўламиз.

Чет элларда йирик профессионал спорт клублари ҳам инкирозга учраган ҳоллар бўлади-ку, дерсиз. Шаунақаси ҳам бўлиб туради. Аммо бу ҳукуматнинг эмас, клубнинг муаммолари. Бели бақувват сармо-

|                                                                                                                                                            |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               |                                                                                                                                                                                                                                                                     |                                                                                                                                                                                                                         |                                                                                                                                                                                                                                                                          |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|  <p>Муассис:<br/>Ўзбекистон<br/>«Адолат»<br/>СДП Сийёсий<br/>Кенгаши</p> | <p>Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: <b>РУСТАМ АҲМАДАЛИЕВ</b><br/>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:</p> <p>Тургунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАХМУДОВ, Анвар ЖўРАБОВ,<br/>Равшан ХАЙДАРОВ, Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Каримжон РИХСИЕВ<br/>(Бош муҳаррир ўринбосари), Бобокул ТОШЕВ, Рустам АЗИМОВ,<br/>Тургун ЭРҒАШЕВ, Ўткир ЖўРАЕВ, Мухаммад РАҲМОН,<br/>Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, Бобокатта ШОДИЕВ.</p> | <p>телефонлар:<br/>Қабулхона-136-53-14.<br/>Факс: (8.371) 133-41-89.<br/>Сўбат ва партия хабар-136-55-96.<br/>Хатлар бўлими — 136-55-64.<br/>Матбуот, адабиёт ва санъат-136-55-64</p> <p>МАНЗАЛИМИЗ:<br/>700407, Тошкент шаҳри,<br/>Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.</p> | <p>Газета Ўзбекистон<br/>Матбуот ва ахборот<br/>агентлигидан 016<br/>рақами билан рўйхат-<br/>дан ўтган.<br/>Буюртма Ғ—1100,<br/>Адади 1744<br/>Ҳажми—2 табоқ.<br/>Офсет усулида<br/>босилган.<br/>Қоғоз бичими А—2</p> | <p>«Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик<br/>компанияси босмахонасида чоп этилади.<br/>Қорхона манзили: Буюк Тўроқ кўчаси, 41.</p> <p>Навбатчи — Виллоят ШОДИЕВА</p> <p>Газета IBM компьютерида терилди.<br/>Босишга тошириш вақти—20.00<br/>Босишга тоширилади —18.00</p> |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|